

А Ж Р И М

2024 йил 30 октябрь куни жиноят ишлари бўйича Олмазор туман судининг очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб, раислик қилувчи А.Турғунов, судья ёрдамчиси У.Йўлдошевнинг котиблигида, Олмазор туман прокурори катта ёрдамчиси А.Абдузоҳиров, «OLMAZOR YURISTLARI» адвокатлик фирмаси адвокати К.Эргашевнинг иштирокида Республика кузатув кучайтирилган рухий касалликлар шифохонаси бошлиғининг бемор Абдуллаев Қолдибек Курал ўғлига нисбатан қўлланилган мажбурий даволаш чорасини узайтириш тўғрисидаги илтимосномасини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Бўстонлиқ туман судининг 2021 йил 23 февраль кунги ажримига кўра Абдуллаев Қолдибек Курал ўғлига нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурий чораси қўлланилган бўлиб, у Республика кузатуви кучайтирилган рухий касалликлари шифохонасига мажбурий даволанишга юборилган.

Республика кузатуви кучайтирилган рухий касалликлар шифохонаси врачлар комиссиясининг 2024 йил 28 сентябрь кунги 385-сонли хулосасига кўра, Абдуллаев Қолдибек Курал ўғлининг соғлиғи яхшиланмаганлиги, унда рухий касаллик аломатлари кузатилаётганлиги қайд этилган. Республика кузатуви кучайтирилган рухий касалликлар шифохонаси бош шифокори томонидан бемор Қ.Абдуллаевга нисбатан муқаддам қўлланилган тиббий йўсиндаги мажбурий даволаш чорасини узайтириш тўғрисида илтимоснома киритилган.

Суд, иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, прокурор ёрдамчисининг хулосасини, адвокатнинг хулосада сўралган ҳолатни қаноатлантиришни сўраб берган фикрини тинглаб, илтимосномани қаноатлантиришни ва бемор Қ.Абдуллаевга нисбатан мажбурий даволаш чораси муддатини узайтиришни лозим топади.

Юқоридагиларга биноан ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 541, 580-моддаларига асосан, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

Республика кузатув кучайтирилган рухий касалликлар шифохонаси бошлиғининг илтимосномаси қаноатлантирилсин.

Абдуллаев Қолдибек Курал ўғлига нисбатан қўлланилган тиббий йўсиндаги мажбурий чораси муддати узайтирилсин.

Ажрим ижроси Республика кузатуви кучайтирилган рухий касалликлар шифохонаси зиммасига юклатилсин.

Ажримдан норози томонлар, шу туман суди орқали Тошкент шаҳар судига кассация тартибида хусусий шикоят ёки протест келтиришлари мумкин.

Раислик қилувчи

(имзо)

А.Турғунов

Нусха аслига тўғри:судья

